



**“Тасдиқлайман”
Вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари**

Х.Оқбўтаев

“ 20 ” 08 2016 йил

**Хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкиллаштириш соҳасидаги
нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия олиш
учун ариза қабул қилишни ташкил этиш интерактив-хизмати регламенти**

1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорт)

1.1. Интерактив хизмат номи

Хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкиллаштириш соҳасидаги нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия олиш учун ариза қабул қилишни ташкил этиш.

1.2. Интерактив хизмат натижаси

Хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкиллаштириш соҳасидаги нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия олиш учун ариза қабул қилишни ташкил этиш бўйича фуқаролар аризаларини қабул қилиш имконияти яратилади.

1.3. Интерактив хизматни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда хизмат кўрсатиш манзили

*Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида Интерактив хизматлар хаволасида мавжуд.
Веб-сайтдаги хаволаси
http://interaktiv.samarkand.uz/foreign_languages*

1.4. Қонуний асоси

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 июндаги «Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларга ўқитиш соҳасидаги фаолиятини лицензиялаш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» №169-сон қарори;
2. 2014 йил 31 декабрдаги "Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 377-сон қарори;
3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» 71-II сонли қонуни асосида амалга оширилади
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 181-сонли қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Юридик шахслар.

1.6. Хизматдан фойдаланишга сўров юбориш муддати.

Кўрсатилаётган интерактив хизмат орқали интерактив тарзда ариза, таклиф ва мулоҳаза юбориш имконияти яратилган.

1.7. Бажарилиш муддати

Лицензия даъвогарига лицензия бериш ёки бермаслик қарорининг қабул қилиш муддати талабнома келиб тушган санадан бошлаб ўттиз кундан ошмаслиги керак.

2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш.

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкиллаштириш соҳасидаги нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия олиш учун ариза қабул қилишни ташкил этиш.

2.2. Қўшимча ахборот бериш

Хорижий тилларни ўргатиш бўйича ўқув курсларини ташкиллаштириш соҳасидаги нодавлат таълим муассасалари фаолиятини амалга ошириш бўйича лицензия олиш учун ариза қабул қилишни ташкил этиш.

2.3. Сўровга асосан бериладиган ахборотлар

Интерактив хизматга кирилганда саҳифанинг настғи қисмида электрон кўринишда мурожаат йўллаш орқали маълумот олиш имконияти яратилган, шунингдек Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб-сайтига кириб маълумот олиш мумкин.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи

Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб- сайти орқали маълумотларни олиш мумкин.

2.5. Талаб қилинадиган ҳужжат бланкалари (форма)

Тасдиқланган ариза асосида.

3. Хизмат кўрсатиши

3.1. Иш вакти

Хизмат веб-сайт орқали 24 соат мобайнида онлайн тартибида тақдим этилиши мумкин.

3.2. Қутиш шартлари

Қутиш шартлари мавжуд эмас.

4. Хизмат кўрсатиш жараёни

4.1. Зарурий ҳужжатлар

- юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;
- фаолиятнинг лицензияланаётган тури амалга ошириладиган биноларга (хоналарга) мулккий ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг мавжудлигини, шунингдек мазкур бинолар (хоналар)нинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- ёнғин ва санитария-эпидемиология назорати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига ва санитария-гигиена нормаларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосалари;
- нодавлат таълим муассасаси уставининг нусхаси;
- ўқув режалари ва дастурлари;
- чет тилларга ўқитган ҳолларда педагогик кадрлар тўғрисида маълумот (маълумоти)

тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаси)

■ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан бериладиган билимлар даражаси ва чет тилини билиш ва эгаллаб олганлик даражаси тўғрисидаги давлат намунасидаги малака сертификатининг нусхалари);

■ ўқув жараёнини таъминлаш учун зарур бўлган моддий воситаларнинг (ёки уларни молиялаштиришнинг аниқ манбаи) мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

4.2. Хизмат учун тўлов.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланганидек, лицензия даъвогари аризасини кўриб чиққанлик учун энг кам иш ҳақи икки баробари миқдорида тўлов олинади.

Йиғилган сумма лицензиантнинг аризасини кўриб чиқиш учун Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисоб рақамидаги ҳисобига ўтказилади.

Нодавлат таълим муассасаларининг чет тилларни ўрганиш бўйича ўқув курслари фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божини ундирилади

4.3. Натижа олиш усуллари

Шахсан, почта ва электрон почта орқали.

4.4. Хизмат натижаси

Лицензия беришни рад этилганлиги ёки лицензия бериш ҳақидаги қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги жавоб қабул қилиниши.

4.5. Рад этиш сабаблари

Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

5. Сифатни таъминлаш


5.1. Сифат кўрсаткичлари

Расмий веб-сайтдаги виртуал мурожаат орқали ўз мурожаатларини қўйишлари мумкин.

5.2. Кўрсатилган хизматга оид шикоятлар

Аризачи ишчи органнинг қарори устидан, шунингдек мансабдорнинг хатти-ҳаракатлари тартиби устидан қонунда белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

“Келишилган”
Самарқанд вилояти
“Компьютерлаштириш маркази”
директори


Б.Игамкулов
“ ” 2016 йил

Интерактив хизмат кўрсатиш схемаси



Ички идоравий жараёнлар схемаси

